

Мувозанат манҳажи ҳақида

Савол: Аҳли суннанинг бидъат аҳли ва уларнинг китобини танқид қилишдаги манҳажи ҳақида (сўрамоқчиман), уларнинг яхшилик ва ёмонликларини эслаб ўтиш вожибми ёки фақат ёмонликлари (эслаб ўтиладими)?

Жавоб: Аҳли илмнинг сўзларидан шу нарса маълумки, улар огоҳлантириш учун ёмон ишларни танқид қилишди ва ўша кимсалар йўл қўйган хатоларни огоҳлантирув ҳосил бўлиши учун баён қилиб ўтишди. Яхши ишларига келсак, улар маълумдир. Яхши ишлари қабул қилинади. Бироқ мақсад шуки жаҳмия, мўтазила, рофиза ва ўшаларга ўхшашларнинг хатосидан огоҳлантиришдир.

Энди улардаги ҳақни баён қилишга ҳожат тушадиган бўлса, баён қилинаверади. Бирор киши: «Уларда ҳаққа эришган жиҳатлари борми? Аҳли суннага қаерда мувофиқ келишган?», деб сўраса ва сўралаётган киши ушбу масалани билса, баён қилиб бераверади. Бироқ энг олий мақсад ва муҳим жиҳати шуки, тоинки савол берувчи ҳазир бўлиши ва уларга мойил бўлиб қолмаслиги учун уларнинг ботилини очиб беришдир.

Шайхга бошқа бир киши савол берди: Бу ўринда мувозанат қилиш керак дейдиганлар бор. Яъники, бир бидъатчини бидъати сабаб одамлар огоҳ бўлиши учун танқид қиладиган бўлсангиз, тоинки унга зулм қилиб қўймаслик учун қилган яхшиликларини ҳам эслаб ўтишингиз керак экан.

Жавоб: Йўқ, асло бунинг кераги йўқ, асло бунинг кераги йўқ. Шунинг учун ҳам аҳли суннанинг китобларини ўқисангиз, огоҳлантирув ирода қилинганини топасиз. Бухорийнинг «Холқ афъал ал-ибад», «ал-Адаб», «ас-Соҳиҳ», Абдуллоҳ ибн Аҳмаднинг «Сунна» китоблари, Ибн Хузайманинг «ат-Тавҳид» китоблари, «Род Усман ибн ад-Даримий ала аҳл ал-бидаъ» ва бундан бошқа китобларни ўқисангиз, улар бидъат аҳлининг ботил ишларидан огоҳлантириш учун асарларни келтириб ўтадилар. Уларнинг қилган яхши ишларини санаш учун эмас...

Демак мақсад шуки: уларни қилган ботил ишлари-ю, яхшиликларини ҳаммасидан огоҳлантиришдир. Агар кишининг қилган бидъати куфрга олиб борадиган бўлса, қилган ишларининг сариқ чақалик қиймати йўқдир. Барча қилган яхшиликлари ботил бўлади. Агар қилган бидъати куфрга олиб бормаидиган бўлса, у киши катта хатардадир. Демак мақсад шуки, огоҳ бўлиш вожиб бўладиган хатолар ва оғишишларни баён қилишдир.

Шайх Абдулазиз ибн Абдуллоҳ ибн Бознинг 1413 ҳижрий йили ёз фаслида Тоиф шаҳрида бомдод намозидан кейинги уюштирган дарсларида ёзиб олинган кассетадан қозога туширилди.

Манба: [Тавҳид форуми](#)